



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она Ватанимиз, Ўзбекистонимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришганлигини, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни ҳалқимиз аваламбор Ўзбекистонимизнинг марҳамати сифатида шукроналик ва розилик туйғуси билан қабул қилмоқда.

Шу борада эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳроқибат, ўзаро аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ҳалқимизга хос олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2015 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 18 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва ҳамоханг тарзда ўтказиш би-

лан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, сабр-қаноат туйғуларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, барча миллат ва халқлар билан ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган кенг қўламдаги савобли амаллар, тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қўлғу ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улғу инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг табарруқ қадамжолари ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 июнь

Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги олдида

БУЛАР БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалининг якуний тадбирлари ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида илм олиш ва касб-ҳунар эгаллаш учун барча шароит яратилган ҳар бир йигит-қизни катта озулар сари илҳомлантиришда, мунтазам ўқиб-йиллашга, янгиликлар яратишга, бир сўз билан айтганда, Ватан тараққиётига ҳисса қўлишга ҳақдор. Сарой ҳовлисида ташкил этилган «Ватан тараққиётига меннинг ҳиссам» шиори остидаги ёш тадбирлар ва ҳунармандлар кўргазмасида бу яққол ифодасини топан.

Ўз бизнесини йўлга қўйган, оиласига, эл-юртга наф келтираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларга кенг имконият яратди.

Корхонамизда чойшаблар, сочқилар, махсус иш кийимлари, турли кийим-кечаклар ва бошқа махсулотлар тайёрлаб, ички бозорда сотаялган, дейди Қаршидаги «Textile Maker» хусусий корхонаси раҳбари Олимжон Абдурахмонов. – Юрдошларимиз эгидида биз таъйинланган либосларни кўрсан, ичининдан факланиб кетаман. Корхонамизда ўндан ортиқ коллеж битирувчиси меҳнат қилмоқда. Ўз махсулотларимиз билан «Ташаббус» кўрик-танловининг шаҳар босқичида, қўллаб-қувватловларда муваффақиятли иштирок этдик. Президентимиз биз, ёш тадбиркорларнинг самарали ишлашига эътибор бериётган кенг шароит ва имкониятлар тўғрисида шундай натижаларга эришмоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқариш қувватини ошириш, махсулот савдоси географиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммадзонова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Тур-

диқулов ва бошқалар ёш авлодга миллий қадриятлар асосида жажон андозалари даражасида таълим-тарбия бериш, уларни жамиятимиздаги илоҳотларнинг фалол иштирокчисига айлантириш мақсадида амалга ошириладиган илоҳотларнинг асосий йўналишларидан эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинётган «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги фестивал ани шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

Бир ой давом этган фестивал доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудда ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маърифат, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишларида юздан ортиқ тарғибот тадбири ўтказилди.

Фестиваль давомида сиёсий-ҳуқуқий билимларимиз, маънавий савиямиз янада бойиди, дейди Мирзо Улғубек туманидаги информатика касб-ҳунаро коллежи ўқувчиси Элдор Қудратиллаев. – Мамлакатимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун эканини, жамки илоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётгани, ёшлар бугуннинг ва эртанинг ишончи, таянчи, ҳал қилувчи кучи, дея юксак қадрланаётганини янада теран англадик. Бундай тадбирлар кўксимизни фахрий-фитҳорга тўлдирди, бизни янада фаол бўлишга, барча соҳаларда эришилётган ютуқларга муносиб ҳисса қўлишга руҳлантирди.

Фестиваль санъаткорларнинг гала-концерти билан якунланди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Оқил Фуломов олган сурат

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ОФИЦЕРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти ва Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби битирувчиларига диплом ва лейтенант унвони берилиши муносабати билан ушбу билим юртларида тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги генерал-лейтенант А.Ахмедбаев ва бошқалар томонидан Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида олиб бориладиган кенг қўламдаги илоҳотлар натижасида бугун бу соҳада замонавий касб кўникмаларига эга, юқори интеллектуал салоҳиятга, ҳар қандай вазиятда мустақил тўғри қарор қабул қилишга қодир офицер кадрлар тайёрланаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти Президентимизнинг 1992 йил январдаги Фармонида асосан ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда Ички ишлар вазирлиги ва Қўролчи Кучларнинг бошқа тизимларига бешта мутахассислик бўйича офицер кадрлар тайёрланмоқда. Билим юртида ўқитиш йўналишларига қараб, тўрт ва беш йил давом этади. Таълим кундузи шаклида бўлиб, битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

— Бугун меннинг ҳаётимда унутилмас ва қувончли кундир.

Чунки ёшлигимдан орзу қилиб келган касбнинг мутахассислик дипломига эга бўдим, — дейди Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти битирувчиси Жаҳонгир Абдураҳмонов. — Биз тўрт йил давомида билим юртининг профессор-ўқитувчиларидан назарий ва амалий билимларни пухта эгалладик. Уларни амалиётда қўллаб, юртимиз тинчлиги, ободлиги ҳамда фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қиламиз.

Тадбир муносабати билан йиғилган соҳа ходимлари ва ота-оналар ёш офицерларни билим юртини тамомлаб, катта ҳаётга қадам қўйётганлари билан муборакбод этдилар. Уларга кейинги ҳаётдаги шарафли ва масъулиятли ишларида омад тиладилар.

Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етук кадрларни етказиб бериш, Ватанимиз, ҳалқимиз осойишталигини таъминлашга қодир ҳар томонлама етук, баркамол ходимларни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ушбу илм масканидан ҳозирга қадар

минглаб фидойи ички ишлар идоралари ходимлари, соҳа мутахассислари етишиб чиқиб, улар юртимизнинг турли бўлачларида аҳолини ёнғин хавфидан асраш йўлида муносиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда мазкур мактабни 68 нафар ёш кадрлар тамомлади. Битирув муносабати билан ташкил этилган тадбирда уларга лейтенант ҳарбий унвони берилди ҳамда мутахассислик бўйича олий маълумот ҳақидаги диплом топширилди. Мактабнинг бир қатор намунали битирувчилари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги генерал-лейтенант А.Ахмедбаевдан имтиёзли дипломларни қабул қилиб олдилар.

— Мен энг аввало бахтли онаман. Чунки ўғлим ёшлигидан орзу қилган ниётига етишди, — дейди Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби битирувчиси Алишер Хидоятнинг онаси Муяссар Саидалиева. — Бундан 5 йил олдин шу қўлғу даргоҳнинг минбаридан ўғлим ва тенгқўрлари қасамёд қилганда, уларга қасамига содиқ ҳолда, аъло баҳоларга ўқиб, етук мутахассис бўлишлари йўлида улкан зафарлар тиланган эдим. Мана бугун ушбу тилларимнинг амалга ошганидан жуда хурсандман.

Тантанали маросим сўнгда танкили санъаткорлар, Ички ишлар вазирлиги Ашула ва ракс ансамбли ҳамда билим юрти бадий ҳаваскорлари иштирокда концерт дастури намойиш этилди.

Зафар НАЗАРОВ

XXI аср
Барча манбалардан олинган сўзларни қайтарилган

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида «Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага» мавзусида республика илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

• Самарқанд вилоятининг Ургут туманида инвестиция дастури асосида барпо этилган туғруқ мажмуаси ва кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари фойдаланишга топширилди. Туман тиббиёт бирлашмасини модернизация қилиш доирасида тез тиббий ёрдам ҳамда болалар бўлимларини реконструкция қилиш ишлари давом эттирилмоқда. 2016 йилда эса бирлашманинг Жартепа бўлими ҳамда юқумли касалликлар бўлимини замон талабларига мослаштириш режалаштирилган.

• Гулистон шаҳридаги Ёшлар марказида Сирдарё вилояти инвестицион салоҳиятига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда сўзга чиққанлар Сирдарё вилоятида хорижлик ишбилармонлар учун қулай шароит яратиб берилгани, бугунги кунда вилоятда инвестиция учун кенг имкониятлар мавжудлиги, чет эллик сармоядорларга тақлиф этилаётган объектлар хусусида гапириб, янги лойиҳалар тақдимотини ўтказишди.

• Жиззахда ўтказилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 375 корхона ва ташкилот 884 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 200 га яқин фуқарога ишга жойлаштириш учун, 20 дан зиёд ёшларга касбга ўқитишга йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

• Техас штатида жойлашган Куэро шаҳри атрофидаги газ ўтказгичда портлаш рўй берди. Портлаш натижасида юз берган ёнғиндан сақлаш мақсадида маҳаллий аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда портлаш сабабларини аниқлаш юзасидан текширув ишлари бошланди.

• Голландиянинг қироллик ҳарбий полицияси Амстердам шаҳрининг Схипхол аэропортида самолётлардан қимматбаҳо товарлар, озиқ-овқат ва ичимликларни ўғирлашда гумон билан ушбу аэропортнинг беш нафар ходимасини ҳибсга олди. Айтиш керакки, ўғирланган айрим маҳсулотларнинг нархи минг евродан ҳам қиммат. Полициячилар ҳибсга олинган ходималарнинг уйларида амалга оширилган тинтув пайтида бошқа буюмларни мусодара қилдилар.

• АКШнинг Шимолий Каролина штатида сувда сузаётган иккита болага акулалар ҳужум қилиб, уларни ногирон қилиб қўйди. Жумладан, ўсмир қизча қўлининг бир қисмидан айрилди ва оёғини ҳам йўқотиши мумкин. 16 ёшли ўсмир боланинг эса ақула қўлини узиб олди ва у вертолётда касалхонага етказилди. Ушбу бахтсиз ҳодисадан сўнг қирғоқ атрофида сувга тушишни тақиқловчи қизил байроқчалар ўрнатилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Мирзо Улуғбек туманида «Бир дарча» марказлари фаолиятини намунали йўлга қўйиш юзасидан амалий семинар ўтказилди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 15 май куни қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи ва назорат органлари мутасаддилари, хусусий сектор вакиллари ҳамда туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ходимлари бир даврга тўпланган анжуманда юқоридаги фармоннинг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ва келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳуқуқсиз маълумотлар қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Семинарда таъкидланганидек, мазкур фармонга мувофиқ тасдиқланган комплекс Дастурда давлат хизматларидан фойдаланишда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш, аризаларнинг хизмат кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилувчи мансабдор шахслар билан бевоқиф алоқасини истисно қилиш кўрсатилган. Эндиликда туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизда тадбиркорлик субъектларига давлат

хизматлари кўрсатиш «Бир дарча» марказларининг ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Дастурга кўра тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси интерфаол давлат хизматлари Ягона порталига интеграция қилинган интернет тармоғида ав-

нинг, лицензия ва рухсатномалар олиш учун рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳноманинг талаб этилиши бекор қилинади.

Шу билан бирга, фармонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига ўтказишдан тушаётган давлат божининг жами суммаси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари даромадига, 2016 йилнинг 1 январидан эса «Бир дарча» марказларини молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг ҳисобига ўтказилиши кўрсатилган. Йиғилган маблағлар фақат ушбу марказлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини рағбатлантириш мақсадларига йўналтирилди.

Семинарда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан «Бир дарча» тамойили асосида хизмат кўрсатиш амалиёти ҳақида ҳам маълумот берилди. Хусусан, рўйхатдан ўтказиш, ваколатли органларда ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришга қилишиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш, рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига улашиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартларни расмийлаштириш каби масалалар батафсил ёритилди.

Учрашувда мутахассислар семинар иштирокчиларини қизиқтирган, муҳокама этилган мавзуга оид барча саволлар бўйича тушунтириш берди.

(Ўз мухбиримиз)

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

томатлаштирилган тизим орқали 24 соат давомида узлуксиз амалга оширилади.

Фармон билан Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа, шу масалага масъул ташкилотларга шу кунга қадар «Бир дарча» давлат хизматларини кўрсатаётган турли идораларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, намунавий таъсис, давлат хизматларига топшириладиган, жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларни бериш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бундан буён тадбиркор ўзи учун барча давлат хизматларини айнан шу марказлар орқали олиши белгиланмоқда.

Айни вақтда кичик бизнес субъектлари учун юмалоқ муҳрга эга бўлиш, тадбиркорлар томонидан тузилган шартномаларга ҳуқуқий хизматлар ҳулосаси-

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Доимий комиссиялар йиғилишларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ижро қилишда давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш, ушбу масалаларни халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессиялари муҳокамасига киритиш амалиётини такомиллаштириш борасида олдинда турган долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2014 йил 22 октябрдаги «2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарорида назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш белгиланган эди. Тошкент вилоятида олиб борилган ўрганишларга кўра, дастур ижроси 103 фоиздан ошган. Бироқ, бу борада айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жойларда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва доимий комиссияларнинг депутатлик назоратини амалга ошириш борасидаги имкониятларидан самарали фойдаланилмаган.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни такомиллаштириш, мавжуд муаммолар ва ечимини кутаётган масалаларни аниқлаш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Фармацевтика

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни томонидан фармацевтика саноатига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, фармацевтика саноатига ишлаб чиқариш жараёнини маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз фармацевтика саноатида бир юз ўттизга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан тўқсонга яқини «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни тизимидаги корхоналардир.

Инвестиция дастурлари доирасида фармацевтика саноатига ҳам хорижий сармояларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, аҳолининг сифатли дори-дармонга бўлган эҳтиёжини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

«Ўзфарманоат» давлат акциядорлик концерни томонидан жорий йилда элликка яқин лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг самарасида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш, халқаро сифат менежменти тизимини жорий этиш, фармацевтика бозорини сифатли дори воситалари билан тўлдириш ва экспортни кенгайтиришга эришилмоқда.

Юртимизда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, янги дори турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайти-

риш учун барча шароит мавжуд. Бу имкониятдан оқилона фойдаланилиб, фармацевтика саноатига инвестиция лойиҳаларини кенг жалб этиш, тиббиётнинг турли соҳаларида қўлланиладиган шифо воситалари ишлаб чиқаришга йўналтирилган кўшма корхоналар барпо этиш юзасидан ҳамкорлик лойиҳалари кенгайтирилмоқда.

Кейинги йилларда кооперация алоқалари асосида йўлга қўйилган ана шундай ҳамкорлик натижасида ўттизга яқин фармацевтикадаги гуруҳларга мансуб қирқ номдаги маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқарилиб, тиббий амалиётга татбиқ этилди.

Илм-фан фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тиббий препаратларни клиник синовдан ўтказиш ҳам муҳим босқичдир. Бугунги кунда бу йўналишда ўн бешта илмий-тадқиқот институти ва тиббий-илмий марказларда кенг қамровли илмий-амалий дастур ва лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими ҳам тобора такомиллашмоқда.

Анжуманда мамлакатимиз фармацевтика саноатининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, дори-дармон ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фармацевтика саноатига инвестиция лойиҳаларини жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида маълумот берилди.

Б.ХИДИРОВА



Ёшларимиз иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда
Ислом Исмомов олган сурат

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Гўзал ва сўлим дам олиш масканлари — халқимиз хизматида» мавзунда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вазирликка тегишли бошқармаларнинг бош-ликлари, Халқ иқидиёти ва маданият-маърифий ишлар бўйича республика илмий-методика марказининг масъул ходимлари, пойтахтимиз ва вилоятлардаги маданият ва истироҳат боғларининг раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Д.Муллажонов, Республика халқ иқидиёти ва маънавий-маърифий ишлар илмий-методик маркази директори А.Хайдаров ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласи доимий эътиборда эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йил охиригача 77 та янги боғ ташкил этилиши, 148 та мавжуд боғлардан 105 таси капитал реконструкция қилиниши, 29 тасини капитал таъмирлаш ва 14 тасини жорий таъмирлаш белгиланган.

Дастур асосида 2011-2014 йилларда 90 та маданият ва истироҳат боғларида кенг қўллади таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилиб, улар тўлиқ фойдаланишга топ-

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

ширилди. 800 дан ортиқ янги замонавий аттракционлар олиб келиб ўрнатилди ва мингдан ортиқ дам олиш масканлари барпо этилди. Ушбу ишларга 133 млрд. 656 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳозирда 80 та боғда босқичма босқич таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 225 та маданият ва истироҳат боғлари аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Истироҳат боғларида ёзги мавсум бошлангандан буён маданият-маърифий тадбирлар, турли мавзуддаги давра суҳбатлари, концерт дастурлари ва болалар учун спорт мусобақалари доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Кексаларни ёзозлаш йили доирасида нурунийлар учун ҳордиқ масканлари ташкил этилиб, эл суйган санъаткорлар иштирокида мусикий кечалар, уч авлод учрашувлари уюштирилмоқда. Энг асосийси фахрийларнинг мароқли дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Юртимизда асрлар давомида шаклланган бой маданий меросимизни, юксак маънавиятимизни, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, дам олиш масканларини обод этиш, аҳоли фаровонлигини

ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Дилфуза Қаршибоева. — Аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, мароқли дам олишларини ташкил этиш ҳамда ҳамюртларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатиш тизими олис кишлоқ ва маҳалаларда ҳам замон талаблари даражасида яратилмоқда. Президентимиз раҳнамолигида барпо этилаётган муҳташам санъат саройлари, дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, маданият ва истироҳат боғлари аҳоли сайр қиладиган, маданий дам оладиган, турли байрам ва халқ сайиллари ўтказиладиган маскан ҳисобланади. Шундай экан, бу кўркам ва сўлим масканларни кўз қорачиғидек асраш нафақат мутасадди раҳбарларнинг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Зеро, бу баҳаво ошёнлар барчамизнинг маданий-маънавий оламимизни теранлаштиришда муҳим омил ҳисобланади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ношароит ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

«Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзунда

ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат каби инсоний фазилатларни, она юртга, ўз халқида чексиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.

2. Оилада, жамиятда ёши улугларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини оширишга. Болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нурунийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда ғамхўрлик руҳида тарбиялаш.

3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва меъморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, экскурсиялар уюштириш, буклетлар чоп этиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

4. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши борасида амалга оширилган ислохотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

5. Ёш авлоднинг фан ва санъатга бўлган иштиёқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишида рағбатлантириш.

6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда кишлоқ жойларида яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.

7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни иқлимқушқун, гиёҳвандлик каби иллатлардан, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларидан асраш.

8. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва ажралишларнинг, оиладаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича уларнинг билимларини юксалтириш, ёшларда соғлом, мустаҳкам оилани барпо этишга бўлган интилишини шакллантириш.

9. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

10. Азаллий миллий қадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, кишлоқ жойларида оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.

12. Жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг турли машғулотларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини кўриш.

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусخаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, «Бунёдкор» шохқўчаси, 1-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди» номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Зийрак бобо шахар кезади

Ваъда вафоси билан, дейишади. Ўтган ҳафтада кўпгина маҳаллаларни айланиб, ободликдан кўнглимиз тўлиб, камчиликлардан дилимиз ғаш бўлган эди. Дарҳақиқат, тўғри танқиддан хулоса қиладиганлар ҳам, унга парво қилмай лоқайдлик билан билганларидан қолмайдиганлар ҳам бор. Аммо эзгу ва савобли ишлардан йироқ кишилар ҳеч қачон барака топган эмас...

Биринчи манзилимиз **Мирзо Улуғбек туманидаги «Турон»** маҳалласи бўлди. Ушбу маҳалладаги 1 ва 2-кўп қаватли уйларнинг ораллиғидаги болалар майдончаси яхши таассурот қолдирди. Майдончада болаларнинг ўйнаб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. 1-уйнинг 4-кириш йўлиги кўнглидагидек. Ён-атрофидаги озодгарчилик, саранжом-саришталликни кўриб дилларимиз шод бўлди.

Тумандаги **«Гулзор»** маҳалласида жойлашган 8-уйнинг 5-кириш йўлиги атрофини орасалашга бирор киши эътибор қаратмаган. Баҳорда ўсиб, қуриб қолган ўтлар ўриб олинмаган. Бу маҳалладан чиқиб, **«Баҳор»** маҳалласига бордик. Кўп қаватли уйларнинг олди ва кириш йўлакларининг ён-атрофи маҳалланинг исмига монанд баҳор фаслини эслатади. Айниқса, 1-а уйнинг иккинчи кириш йўлиги тахсинга лойиқ. Йўлакнинг ичи, ташқариси таъмирланган. Атрофи кўкаламзорлаштирилиб, тувакларда гуллар ўтказилган. Шу жойда истиқомат қиладиган бир кишидан сўраганимизда, у: «Хаммасини ўзимиз қилганмиз, ўзимиз яшайдиган уй бўлса, қачон ХУЖМШ ходимлари келиб, кириш йўлагини таъмирларкан, деб ўтиришимиз тўғри бўладими? Халқимизда «мехмон оstonанга қараб сенга баҳо беради», деган гап бор. Демак, бу жой шу уйдагиларнинг оstonаси ҳисобланади, шундай экан, кириш йўлакларини озода сақлаш ҳаммамизнинг вазифамиз», дея жавоб қайтарди.

Тумандаги **«Бўз-2»** маҳалласига қарашли 62 ва 70-уйлар ораллиғидаги болалар майдончасини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан, киши. Ўзларининг фарзандлари ўйнаб дам оладиган майдончани тозалаб, орасалаб, батариб қилиб қўйиш ҳақида бирор кишининг ўйламагани ҳар қандай кишини лол қолдиради. Яхши ниятлар билан қурилган бу кичикинтойлар маскани ўт-ўланларнинг қуриб қолган қолдиғи билан тўла. Энг ёмони, унинг ярми ёндирилиб, қулга айлантирилган.

Шундай дея **Олмазор туманига** йўл олдик. Қорақамиш 2/4 даҳаси, **«Обод»** маҳалласидаги 23-уйнинг биринчи кириш йўлагини кўриб, дилимиз равшан тортди. Таъмирланган йўлақлар шинам ва ёруғ, чиқинди у ёқда турсин, биронта қоғоз парчасини ҳам кўрмайсиз.

«Бўстон» маҳалласидаги 30-уйнинг 5-кириш йўлигида эса мутлақо бошқача ҳолатнинг гувоҳи

бўлдик. Йўлакнинг атрофи қурилиш чиқиндилари ва яроқсиз мебель бўлаклари билан тўлган. Уй эгаларининг лоқайдлик билан чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган ҳудудга олиб бормаслиги мана шу ҳолатдан ҳам маълум.

«Мустақиллик» маҳалласи ҳудудидаги 1-уйнинг олдидаги болалар майдончасига ҳавасимиз келди. Майдонча дид билан таъмирланган, кичикинтойларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун турли ўйин мосламалари билан жиҳозланган.

Маҳаллаларни айланиб юриб кўплаб болалар майдончаларини кўрдик. Айримларига ҳавас қилдик, баъзиларини кўриб, ачиндик. **«Шодлик»** маҳалласи, 4-уй олдидаги болалар майдончаси ҳам ҳавас қилгулик эмас. Кенг майдонга атиги икки-уч ўйин мосламаси ўрнатилган ҳолос, кесилган дарахт бўлаклари ва майда чиқиндилар олинмаган.

БИР КЎРИБ КЕТИНГ
МАҲАЛЛАМИЗНИ...

Бу галги сафаримиз **Мирзо Улуғбек, Олмазор, Яккасарой ва Миробод туманлари бўйлаб давом этди.**

Кейинги манзилимиз **Яккасарой тумани** бўлди. **«Туркистон»** маҳалласидаги «Марьям луч» ХУЖМШга қарашли 41-уйнинг иккинчи кириш йўлиги ҳамда унинг олди қисмининг батариблуги бизни хурсанд қилди. Ҳаммаёқ ораста ва озода, атроф кўкаламзорлаштирилган. Хуллас, ҳавас қилса арзигулик манзара.

Усмон Носир номли маҳалладаги 61-уй олдида қопларда чиқиндилар тўпланиб қолган экан. Кўринишидан бу чиқиндилар яқин кунларда олиб чиқилмаган.

«Ракат» маҳалласидаги 46-уйнинг болалар майдончасини кўриб яна кўнглимиз хира тортди. Майдонча кесилган дарахт бўлаклари ва қуриб қолган ўтлардан тозаланмаган. Ҳар хил майда чиқиндиларниқу гапирмаса ҳам бўлади.

«Қушбеги» маҳалласидаги 83-уй олдидаги кичикинтойлар ўйингоҳи болажонлар билан тўла. Дам олиш учун барча шароит бор.

Миробод туманидаги Ш. Рашидов номли маҳаллага борганимизда айрим кўп қаватли уйлар-

даги ҳолатни кўриб, дилимиз ранжиди. 1-уйнинг олди, 3-уйнинг ёни ва 73-уйнинг олди томонидан бир қанча жойларда чиқиндилар тўпланиб қолганига гувоҳ бўлдик. Умуман олганда, мазкур маҳалланинг аксарият жойларидан қуриган ўтлар ўриб олинмаган, дарахтларга шакл берилмаган. Бирор жойда чиқиндиларнинг йиғиб олинаётганини кўрмадик. Бу ишларни ким қилиши керак, ким бош бўлиши лозим ва ким масъул: ХУЖМШ ходимлари, аҳолими ёки маҳалла фаолларими?

Ойбек номли маҳалладаги «Дунё коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 49-уйнинг ён-атрофи, кириш йўлакларини, болалар майдончаси рисоладагидек. Уйда 12 та кириш йўлиги бўлиб, уларнинг бари тоза-озода, таъмирланган. Болалар майдончасига қараб ҳавасингиз келади.

Абдулла Авлоний номли маҳалладаги 4-уйнинг биринчи кириш йўлиги анчадан буюн таъмирланмагани аниқ. Ён-атрофида чиқиндилар, эшикдаги кўпайиб кетган эълон қоғозлари хунук манзара ҳосил қилган. Бу ҳолатдан кейин, **«Боғишамол»** маҳалласи томон йўл олдик ва ўзгача ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. 15-уйнинг иккинчи кириш йўлагини кўриб кайфиятимиз кўтарилди. Ҳаммаёқ тоза, йўлак эшиги чиройли қилиб бўялган. Ичкариси ёруғ ва шинам. Қисқа қилиб айтганда, намунадагидек.

Мана, шаҳримиздаги яна тўртта туманининг аҳоли истиқомат қиладиган кўп қаватли уйлари, уларнинг кириш йўлакларини, ён-атрофи ва болалар майдончаларининг ҳолатидан бохабар бўлдингиз. Гувоҳи бўлганимиздек, ширкатлар аъзолари, маҳалла фаоллари ва аҳоли атроф-муҳитга лоқайд ҳамда бепарво бўлиб, менга нима, қабилада иш тутадиган аксарият жойларда ҳали ўша-ўша чиқиндилар йиғилиши, кўча-кўйда сочилиб

ётиши масаласи ҳамон муаммо бўлиб турибди. Чиқиндиларнинг ўз вақтида белгиланган жойга олиб бориб ташланмаслиги эса албатта санитар ҳолатнинг бузилишини келтириб чиқариши мумкин. Уйларнинг ён-атрофларида қуриган ўтларнинг ўсиб ётиши эса ушбу жазирама кунларда ёнғин келтириб чиқариши муқаррар. Бундай ҳолатларнинг юзга келиши эса шу ерда яшайдиганларнинг бепарволигидан далолат беради.

Азиз ҳамшаҳарлар! Биз ўз уйимиз ва унинг ён-атрофини ўзимиз тоза, озода ва тартибли тутишдек азалий миллий қадриятимизга қатъий риоя қилишимиз лозимлигини англаб етмоғимиз даркор. Шундагина шаҳримизнинг юксак экологик маданиятига, обод ва кўркам гўшага айланишига ҳисса қўшган бўламиз. Янаги сафар туманларда кўришгунча!

Зийрак бобога Абдуалим САЛИМОВ ва Исрол ИСМОИЛОВлар ҳамроҳлик қилишди.

ИҚТИДОРЛИ
ТАЛАБАЛАР ТАНЛОВИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларда фаол иштирок этиб, фахрли натижаларга эришган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча олий таълим муассасаларида «Камолот» стипендияси танлови ўтказиб келинмоқда.

Тошкент Молия институтини «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан 2015-2016 ўқув йили учун анъанавий «Камолот» стипендияси танловининг намунавий тарғибот тадбири ташкил этилди. Тадбирни институт ректори Улуғбек Азизов очиб, илғор ва изланувчан йигит-қизларга ўз тилакларини билдирди.

Таъкидлаш жоизки, «Камолот» стипендияси Ҳаракатнинг олий таълим муассасалари талабалари орасига янада кенгроқ кириб боришини таъминлаш ва таъсирини ошириш, талабаларнинг Ҳаракат фаолиятига интилишини кучайтириш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини оширишга хизмат қилиб келмоқда.

Мазкур танловда 2014 йилда олий таълим муассасаларидан 384 нафар талаба иштирок этиш ис-тагини билдирган. Пойтахтнинг ўзидан 18 нафар фаол ёшлар «Камолот» стипендияси соҳибига айланган.

Ушбу танлов Ҳаракат томонидан амалга оширилган лойиҳаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришган, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб рағбатлантириш мақсадида ўтказилади.

Тадбирда ёшлар ўзларининг билим ва салоҳиятларини оширган турли лойиҳалар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Мен ушбу танловда иштирок этиб, ўз лойиҳаларимни тенгдошларим билан ўртоқлашганимдан хурсандман, — дейди институтнинг 4-босқич талабаси Суннатулла Холмуродов.

Мана шундай интилувчан ёшлар хатти-ҳаракатлари, билим ва салоҳиятлари билан юртимиз келажакига муносиб ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

Зариф НАЗАРОВ

«Камолот» лойиҳалари

САЛБИЙ
ОҚИБАТЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман Кенгаши томонидан «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивали доирасида туманда жойлашган Тошкент тиббиёт коллежида «Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва унинг олдини олиш» лойиҳаси бўйича тадбир ташкил этилди.

— Мустақил Ўзбекистон ёшларини жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг устувор вазифаларидан биридир, — дейди «Камолот» ЁИХ Олмазор туман Кенгаши сардори Муниса Абдуманнонова. — Мана шундай вазифаларни амалга оширишда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкиллаштириб келинаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остидаги ёшлар фестивалининг ҳам ўз ўрни борлигини айтишимиз мумкин. Мазкур фестиваль доирасида ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маърифат, соғлом турмуш тарзи ва спорт йўналишларида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Тадбир доирасида ёшларга эрта турмуш қуриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, уларнинг инсон саломатлигига зарари тўғрисида давра суҳбати ва семинар-тренинг ташкил этилди. Бундан ташқари эл севган санъаткорлар ҳам ёшларга бу борадаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Зарина РУСТАМОВА

Анжуманлар

ЁШ ОЛИМЛАРНИНГ
ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институтини илмий изланишлар олиб бораётган талабаларнинг инновацион ғоялари, илмий изланишлари моҳиятига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳозирги кунда жамият тараққиётини замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам мамлакатимиздаги олий ўқув юрларида тахсил олаётган, илмга чанқоқ ёшлар самарали изланишлар устида иш олиб бормоқдалар.

Қувонарлиси, кўплаб зехни ўтқир ёш олимларнинг илмий изланишлари туфайли баниннинг турли йўналишларида янгиликлар юз бермоқда. Тадбирда қатнашчиларга ёш олимлар яратган кашфиётлар намойиш этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, зехни ўтқир, билимга ташна ёшларни қўллаб-қувватлаш албатта келажақда катта самара беради.

(Ўз мухбиримиз)

Кайфиятни кўтарадиган манзаралар...

Дилни хира қиладиган ҳолатлар...

Миробод тумани



Ойбек маҳалласидаги 49-уй олдидаги болалар майдончаси



«Боғишамол» маҳалласидаги 15-уйнинг иккинчи кириш йўлиги



«Салор» маҳалласидаги 3/2-уйнинг олдидаги ахвол



Абдулла Авлоний номли маҳалладаги 4-уйнинг биринчи кириш йўлагининг ҳолати

Мирзо Улуғбек тумани



«Баҳор» маҳалласидаги 1-а уйнинг иккинчи кириш йўлиги



«Турон» маҳалласидаги 1 ва 2-кўп қаватли уйлар ораллиғидаги болалар майдончаси



«Бўз-2» маҳалласига қарашли 62 ва 70-уйлар ораллиғидаги болалар майдончаси



«Гулзор» маҳалласидаги 8-уйнинг 5-кириш йўлигидаги ҳолат

Яккасарой тумани



«Қушбеги» маҳалласидаги 83-уй олдидаги болалар майдончаси



«Туркистон» маҳалласига қарашли 41-уйнинг иккинчи кириш йўлиги



Усмон Носир номли маҳалладаги 61-уй олдидаги ахвол



«Ракат» маҳалласидаги 46-уйнинг атрофидаги болалар майдончаси

Олмазор тумани



«Мустақиллик» маҳалласида жойлашган 1-уй олдидаги болалар майдончасидаги манзара дилни яйратади



Қорақамиш 2/4 даҳаси, «Обод» маҳалласидаги 23-уйнинг биринчи кириш йўлиги



«Шодлик» маҳалласидаги 4-уй олдидаги болалар майдончаси



«Бўстон» маҳалласидаги 30-уйнинг 2-кириш йўлигидаги ҳолат

Спорт янгиликлари

ЮКСАК ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Аввал хабар берилганидек, таэквондонинг WACO тури бўйича кадетлар, ўсмирлар ва фахрийлар ўртасида Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари юксак зафар кучишди.

Улар 32 мамлакатнинг 500 дан ортиқ якка-кураш усталари иштирок этган мусобақада жами 27 та олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Куни кеча шахримиз аэропортида ушбу нуфузли мусобақада юқори натижаларга

эришган таэквондочиларимиз тантанали равишда кутиб олинди. Ўйлаймизки, келгуси турнирларда ҳам яккакурашчиларимиз мана шундай ютуқларни қўлга кириштишади.

Саид ВАЛИЕВ,
спорт фахрийси



Жорий йилнинг 3 июнидан 30 июнига қадар пойтахтимизда ўтказилаётган «Харакат хавфсизлиги ойлиги» доирасида учрашувлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Куни кеча Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқарма Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди.

Унда ЙХББ Техника назорати бўлими бошлиғи, подполковник Нодир Тиллаходжаев, ЙХББ Ташкилий-таҳлил ва назорат профилактика бўлими бошлиғи, майор Азиз Садилов ҳамда Техника назорати бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Мирсоби Одилов, шунингдек, «Тошшаҳартрансхизмат» акционерлик компанияси таркибидagi автобус парклари раҳбарлар

Харакат хавфсизлиги ойлиги

САМАРАЛИ МУЛОҚОТ

ри, ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, йўналишли ва йўналишсиз такси масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбир давомида ЙХББ масъул ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида «Тошшаҳартрансхизмат» акционерлик компанияси ҳамда йўналишли

ва йўналишсиз такси МЧЖ ҳайдовчилари томонидан йўл қўйилган камчиликлар, қоидабузарликлар келтириб ўтилди. Йиғилишда раҳбарларга, ҳайдовчиларга, бундан кейин йўл ҳаракати қоидаларига янада эътиборли бўлишлари лозимлиги таъкидланди. Йиғилганлар ҳам бу борадаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва саволлар билан муносабат этишди. Саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Тадбир сўнггида йўл-транспорт ҳодисалари акс эттирилган видеоролик намойиш этилди.

Сарвар СОБИРОВ

Тадбирлар

ТАБИАТГА
МЕҲРНИ ОШИРИБ

Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати, инъоми ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Шу боис инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан атроф-муҳит муҳофазасига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган талабалар поликлиникасида «Ёшлар ва атроф-муҳит» шиори остида ўтказилган тадбирда ҳам шу хусусда сўз юритилди. Тошкент шаҳар саломатлик ва табиий статистика институтига ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Миллий университети талабалари қатнашди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида экологик маданият ҳамда табиатга бўлган меҳрни оширишдан иборатдир. Мутахассислар томонидан атроф-муҳитни тоза тутиш муҳимлиги, зарарли одатлардан бири бўлган чекиш нафақат инсон саломатлигига зарар етказиши, шу билан бирга табиатга ҳам салбий таъсир кўрсатиши тўғрисида таъкидлаб ўтилди.

Инсон саломатлигига етказётган зарарларнинг олдини олиш чораларидан бири атроф-муҳитни муҳофаза қилишдир, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши гуруҳ раҳбари Шодиёр Азизов. — Шундай экан, атроф-муҳит озодлигини сақлашда аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириб бориш муҳим ўрин тутди. Бу албатта келажақ авлоднинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсишини таъминлайди.

Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, зарарли одатлардан бири бўлган тамаки чекиш ҳам инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Тадбир давомида қатнашчиларга мазкур иллатнинг инсон саломатлигига зарарли таъсири ҳақида батафсил маълумот берилди.

Зарарли одатлардан бири бўлган тамаки чекиш нафақат инсон саломатлигига хавф солади, балки атроф-муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатади, — дейди Тошкент шаҳар наркологи диспансери шифокори Нодира Абдиалиева. — Инсон саломатлигини зарарли одатлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳар йили 31 май Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тақдифи билан 1988 йилдан буён «Бутунжаҳон чекишга қарши кун» сифатида нишонлаб келинмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг бу кун борасидаги асосий мақсади — XXI асрда чекиш муаммоси билан ҳайрлашишдир. Бироқ ушбу муаммо шу кунгача ҳамон борлиги сабабли чекишга қарши кураш давом этмоқда.

Тадбирда мутахассислар томонидан тамаки маҳсулотларини чекиш ҳамда атроф-муҳитни ифлослантирмасликка оид турли маълумотлар ва келажик тавсиялар берилди.

Тамаки чекиш инсон умрини қисқартиради. Бундан ташқари атрофдаги инсонларга ҳам зарар етказишини унутмаслик лозим.

Анвар ЭГАМКУЛОВ,
ЎЗМУ талабаси

Муқаддас қадрият сифатида қараладиган оила, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни жамиятга нафи тегадиган, салоҳиятли кадрлар этиб вояга етказиш ота-онанинг ҳар томонлама соғлом бўлишини талаб этади.

Бугун аҳоли тўйдан олдинги тиббий текширувнинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканини аниқлаб етди. Улар ўз хоҳишига кўра чуқур текширувдан ўтмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, улар учун қўлай тиббий-ижтимоий шарт-шароит яратиш, инсон манфаатларини муҳофазалаш, фуқароларнинг соғлом ва узоқ умр кечириши, соғлом бола туғилиши ва вояга етишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги «Никохланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида никохланувчи ёшлар тўйдан олдин ирсиятга таъсир

этувчи бешта касаллик бўйича мажбурий тиббий қўриқдан ўтказилади. ОИВ вируси, сил, гиёҳвандлик, руҳий ва теританосил хасталиклари оид тиббий текширувларни ўз вақтида, тез ва аниқ амалга ошириш учун жойлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда барча шарт-шароит яратилган. Бу жараёнда туман ва шаҳардаги тегишли диспансерлар билан ҳам узвий алоқалар йўлга қўйилган. Никохланувчи ёшлар икки ҳафта ичида бундай тиббий таҳлилларни топириш ва уларнинг ҳулосаларини олиш имконига эга бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмаси ҳам ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никохланувчи олддини олиш, йигит-қизларни никохдан олдинги чуқурлаштирилган тиббий қўриқка кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бирлашманинг марказий кўп тармоқли поликлиникасидаги «Никохланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш» хонаси ёнига аллома Ибн Синонинг «Саломатлик тан ва рух соғлиғидан иборат. Бу иккисидан бири носоғлом бўлса, чинакам маънодаги саломатлик бўлмайди», деган сўзлари ёзилган.

Қабулимизга келган ёшларга ушбу ўғитларни ўқишни тақдиф этамиз, — дейди никохланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказишга масъул шифокор Жумағул Жўраева. — Унинг асл маъносини англаган йигит-қизлар ҳар томонлама соғломлигини билишга янада кўпроқ қизиқади. Бугунги ёшлар шунчаки, ҳужажларнинг тиббий қўриқдан ўтмайди. Улар ўзи ҳақида тўла маълумот олиш билан бирга, туғилажак фарзандларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишини истайди.

Туман тиббиёт бирлашмаси берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг шу давригача мингга яқин йигит-қиз никохдан

олдинги чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилган. Шундан етти ҳолатда ирсиятга салбий таъсир этувчи ҳолатлар аниқланган, тегишли тартибда тушунтириш-соғломлаштириш ишлари олиб борилган. Бу чуқурлаштирилган назорат нечоғли аҳамиятли эканини аниқлади. Шу орқали йигит-қизларимиз янги ҳаётга соғлом қадам қўйишади.

Никохланувчи шахсларнинг тиббий қўриғи натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг ҳулосаси туман ФХДБ бўлимидаги жўналишмоқда. Келин-куёвлар ўзлари ва бўлажак турмуш ўртоғи ҳақида берилган маълумотномалар билан таништирилади.

Касаллиқни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал деб ҳисоблайман, — дейди Темур Юнусов. — Шу боис тиббий текширув натижалари билан танишишга ошқимик. Бу дунёга келажак фарзандларининг саломатлиги учун муҳим эканлигини яхши тушунам. Зеро, оилада соғлом фарзанднинг дунёга келиши учун аввало

ота-она соғлом бўлмоғи даркор.

Белгиланган тартибда текширувдан ўтган ёшларга бошқа тор мутахассислар қўриғидан ўтиш тавсия этилмоқда ва ташхис натижалари олиниб, маълумотномага илова қилинаётди. Бу ишларнинг натижалари юзасидан доимий мониторинг юритиш тизими шакллантирилган.

Туманимиздаги оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган мутахассислар томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи юзасидан доимий тарғибот-тушунтириш ишлари йўлга қўйилган, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Шахло Исамҳамедова. — Бу жараёнда аҳолига репродуктив саломатликка таъсир этувчи касалликлар, оилада соғлом фарзандни дунёга келтириш ва камолга етказишнинг муҳим омиллари, вояга етётган фарзандлар учун қўриқлар, шахсий гигиена қоидалари, ёшларни оилага тайёрлаш каби мавзуларда атрофлича маълумот берилмоқда. Бу саяй-харақатлар самараси ўз келажаги, туғилажак фарзанди тақдирини, оиласи мустаҳкамлигига алоҳида эътибор билан ёндашиб, назоратдан ўтаётган ёшларимизнинг фаоллигига ўз аксини толармоқда.

Мазкур тумандаги тиббиёт муассасаларида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш, оилаларда маънан ва жисмонан баркамол зурриядларни дунёга келтириш каби эзгу гоғни рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлмоқда.

Барно МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ ҚЎЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН
ДИРЕКТОРЛИК ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи	Тошкент шаҳри, Сергели-3 мавзеси, 49-уй
2	Миробод саноат касб-ҳунар коллежи	Миробод тумани, Сарақул кўчаси, 1-уй
3	Тошкент молия институтини қўшидаги 2-сонли академик лицей	Олмасор тумани, Мойқўрғон мавзеси Хўснор кўчаси, 5-уй

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб этилади.

Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржimai ҳол;

4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан қўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.

«Ватанпарвар»

ЖИСМОНАН СОҒЛОМ
ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ
АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Мудофаасига
қўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи «Сергели Ўқув СТК»
унитар корхонаси томонидан
милтиқдан ўқ отиш бўйича
Тошкент шаҳар очик
биринчилигининг 3-босқич
мусобақаси ташкил этилди.

Мусобақада «ТСТ ва АТМ» унитар корхонаси, «Чилонзор Ўқув СТК», «Сергели Ўқув СТК», «Олмасор Ўқув СТК», «Учтепа Ўқув СТК», «Яшнобод Ўқув СТК», «Миробод Ўқув СТК», «Юнусобод Ўқув СТК», «Яккасарой Ўқув СТК» ташкилотларининг спортчилари қатнашди.

Қизгин тарзда кечган мусобақа ПП-1 ва ВП-2 машкида ўтказилиб, яхши натижаларни қўлга киритган иштирокчилар аниқланди. Мазкур мусобақада ПП-1 машкида 1-ўринни «ТСТ ва АТМ» унитар корхонаси спортчиси Дониёр Махаммаджонов, қизлар ўртасида «Чилонзор Ўқув СТК» унитар корхонаси спортчиси Индира Раҳимова эгаллашди.

ВП-2 машкида 1-ўринга «ТСТ ва АТМ» унитар корхонаси спортчиси Владимир Свечников, қизлар ўртасида «ТСТ ва АТМ» унитар корхонаси спортчиси Инобатбону Анварова лойиқ топилди. Жамоалар ўртасида эса 1-ўринни «ТСТ ва АТМ» унитар корхонаси, 2-ўринни «Чилонзор Ўқув СТК» унитар корхонаси, 3-ўринни «Олмасор Ўқув СТК» унитар корхонаси жамоалари эгаллашди.

— Бундай мусобақаларни ўтказишдан асосий мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодини маънан ва жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, уларнинг спорт турларига бўлган қизиқишларини орттириш, ўз Ватанига бўлган меҳр-мухаббатини юксалтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда жисмоний чиниқтиришга қаратилган, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи «Сергели Ўқув СТК» унитар корхонаси бошлиғи Саидаром Фаниев.

Мусобақа голибларига Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи «Сергели Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига талабгорлар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкига бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Сергели, Чилонзор туманларида ҳамда Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳудудидан (мўлжал: машина бозори рўпараси ва Сергели тумани, Қўйлик 5-даҳаси рўпарасида) якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13 (+99871) 292-71-84

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат
9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават,
225-хона.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси бош бухгалтер Сайидзизхожа Набижўраевга онаси
Сабоҳат ая НАБИЖЎРАЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



— 37-39 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотию кўра, 18 июнда Тошкент шаҳрида шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТОШКЕНТ ОКШОМИ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
Эълонлар: 233-28-95.
Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11711 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов
Топшириш вақти: 13.00
Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ